

3. Нестерова Т.Н. Банковские операции, М., 2020.
4. Питер С. Роуз Банковский менеджмент, М., 2007.

*И.Т.Тожибаев*, илмий рахбар *Б.Т.Тожибаев*  
Наманган мухандислик технология институти,  
Наманган, Ўзбекистон  
*tojibayev77@gmail.com*

### **ТАБАҚАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** *Мазкур мақолада инсоният тараққиётида табақалашувнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг ижтимоий таркибига таъсир ўтказувчи муҳим ижтимоий кўрсаткичлари, гендер ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек Ўзбекистон шароитида жамиятни табақаланиш тизимлари ўзига хусусиятлари қисқача изоҳланган.*

**Калит сўзлар.** *Табақаланиш, Стратификация, гендер, феминизм, миллатлараро стратификация, диний табақаланиш, табақаланиш манбалари.*

*И.Т. Тожибаев*, научный руководитель *Б.Т. Тожибаев*  
Намаганский инженерно технологический институт  
Наманган, Узбекистан  
*tojibayev77@gmail.com*

### **СОЦИАЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОЦЕССОВ СТРАТИФИКАЦИИ**

**Аннотация.** *Данная статья характеризует появление стратификации в развитии человечества, важные социальные индикаторы которой влияют на социальный состав общества и гендерные процессы. Также приводится краткий обзор характеристики системы социальной стратификации в Узбекистане.*

**Ключевые слова.** *Стратификация, стратификация пола, феминизм, межэтнического расслоения, религиозного расслоения, источники стратификации.*

*I.T. Tojibaev, B.T. Tojibaev*  
Namangan engineering technological institute  
Namangan, Uzbekistan

### **SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF STRATIFICATION PROCESSES**

**Abstract.** *This article provides information on the emergence of stratification in human development, the important social indicators that influence the social composition of*

*society and gender. It also provides a brief overview of the characteristics of social stratification systems in Uzbekistan.*

**Keywords.** *Stratification, gender, feminism, interethnic stratification, religious stratification, stratification sources.*

Табақаланиш жараёнлари ижтимоий фанларда, хусусан социологияда стратификация тушунчаси билан изоҳланади. Стратификация - жамият тузилмаси, алоҳида қатламлари, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифода этувчи социологик тушунча бўлиб инсониятнинг ёввойилиқдан маданийликка ўтишда дастлабки даврлардаёқ илк кўринишларидаёқ шаклланган жараёндир. Стратификация тушунчаси социологияга геология фанидан кириб келган тушунча ҳисобланади. Инсониятнинг энг буюк ихтироларидан бири бўлган оиланинг пайдо бўлиши ижтимоий табақалашувнинг шаклланишини тезлашувига олиб келди, оила ичида ва оилалар ўртасидаги социал муносабатларни тартибга солиб турувчи меъёрларни шаклланиши натижасида табақаланиш жараён янада тезлашиб кетди.

Табақалашувнинг энг аҳамиятли шакли бўлмиш иқтисодий табақалашув жамият структурасига ҳал қилувчи таъсири капиталистик иқтисодий тизим амал қила бошлагандан кейин яққол намоён бўла бошлади. Азалда бойлик авлоддан-авлодга ўтувчи неъмат сифатида баҳоланган ва диний аҳкомлар билан легитимланарди. Бугунги тараққиётни бошлаб берган Европадаги бу каби ҳолатлар либерелизм шамоли эса бошлагач омма тенгсизликларга, табақалашувга тоқатсизликни намоён эта бошлашди. Ўрта асрлар Британиясида бошланган капиталистик жамият тизими солиқлар ва мажбуриятлардан чарчаган савдогарлар ва қашшоқ деҳқонларни умумий душманга қарши фикрий бирлигини натижаси дейишимиз мумкин. Аслида уларни иқтисодий мақоми икки қутбли бўлсада, муаммо битта эди, бутун хокимият қироллар ёки хукмдорлар оиласига мансуб кишиларда эди, непотизм хумкронлик қиларди. Кейинчалик савдогарлар деҳқонлардан фарқли равишда гилдиялар ёки ганзалар каби иттифоқларга бирлаша бошлашди, деҳқонлар эса номутоносибликларга қарши стихияли қуроли қаршиликлар намоён этар эди.

Лекин хокимият барибир оммадан юқори имкониятларни ўзида сақлаб қолаверар эди, чунки сиёсий бошқарув қадрият ва тамойиллари ҳали янги босқичга кўтарилмаган эди. Янги даврда монополист-тадбиркорлар лоббизм имкониятларидан фойдалана бошлашди ва хокимиятга латент таъсир воситаларини афзал билишди. Ривожланган Ғарб жамиятида барча бирдай ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларга эга эди. Лекин иқтисодий имкониятлари юқори кишиларни ижтимоий шароитлари ҳам юқори эди. Ижтимоий-иқтисодий омиллар социал тенгсизликда, жамиятни бойлар ва

камбағал табақаларга бўлинишида, муносиб иш ҳақи олишнинг ижтимоий мақбул усуллари чекланганлигида, ишсизликда, инфляцияда ва бунинг оқибатида, ижтимоий кескинликда ифодаланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотлари йўлидаги ривожланиш аҳоли орасида, шу жумладан ёшлар ўртасида табиий равишда янги ижтимоий қатлам ва табақаларни вужудга келтиради. Ёшларни турли ижтимоий вазиятлардаги ижтимоийлашуви турлича қатламларга мансуб этиб шакллантиради, баъзи аломатларига кўра ижтимоий, яъни ёшига, жинсига, эътиқодига сиёсий ва маданий қарашлари, қизиқишларига кўра табақалашуви юз беради. Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўтказилган социологик сўровномаларда респондентларнинг 25%и ўқув юртларида табақаланиш мавжудлигини тан олишган.

Жамиятда қанчалик ижтимоий тенгсизликлар чуқур илдиз отган бўлса, қонунсизликнинг манбалари ҳам шунчалик кўп бўлади. Чуқур илдиз отган тенгсизликлар тизимли тарзда мавжуд бўлса, индивиднинг ўзи ноқонуний фаолиятнинг турли кўринишларидан нажот топади. Бундай постулатларни (исботсиз қабул қилинадиган қоидалар)ни яна давом эттириш мумкин.

Санкт-Петербург девиантология мактаби асосчиларидан бири Ян Гилинскийнинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарликларнинг манбалари жамиятдаги мавжуд ижтимоий тенгсизликлар ва турли ижтимоий гуруҳларнинг талаб-эҳтиёжларини қондирилиш имкониятлари билан боғлиқ. Табақаланиш ўзимизга боғлиқ бўлмаган табиий жараёнدير. Инсон туғилгандаёқ у ёки бу табақага мансуб оилада таваллуд топади. Инсонни қаерда, қачон, қандай оилада туғилиши белгиловчи мақомини англатса, унинг ҳаракатчанлиги натижасидаги статусини ўзгариши эришилган мақомини англатади.

Табақалашувни вужудга келтирувчи ёки унга омил бўлувчи асос бу оиланинг қанчалик молиявий таъминланганлигидир. Оиланинг молиявий таъминоти нафақат табақаланишга асос бўлади балки инсонларни келажақдаги фаолиятини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакатимиз мактаб битирувчилари ўртасида 2019 йилда Республика Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра оиланинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан ёшларнинг истак режаларини белгилайди. Мазкур тадқиқот натижаларига кўра мактаб битирувчиларининг бешдан тўрт қисмидан кўпининг оиласи молиявий ҳолати тўлиқ қониқтиради. Айрим табақаланиш кўринишлари масалан қуллик ҳуқуқ нормаларига зид келса маданий қизиқишларига кўра табақаланиш эса бундай нормаларни бузилиши сифатида баҳоланмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гилинский Я.И. Рубеж: Альманах социальных исследований. Сыктывкар, 1992. № 2. С. 82-88.
2. Радеев В.В. Шкаратан О.И. Социальная стратификация. М.: Наука, 2014. 237 с.
3. Убайдуллаева Р.А. Вояга етмаганлар асоциал хулқ-атворининг ижтимоий жиҳатлари. Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2005.№ 3. Б.73.
4. Тожибаев Б.Т. Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактик омилларининг социологик таҳлили. Соц.фан.PhD..диссер. Тошкент: Академия, 2019. Б. 130.

*Ю.М. Хаджаева*

Фарғона политехника институтининг

Фарғона, Ўзбекистон

### **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Жаҳон банки институти таърифига кўра, “ДХШ-хусусий томон ва давлаторгани ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилиш учун узоқ муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича каттарисқлар ва бошқарув учун жавобгарликни олади”. Осиё тараққиёт банки томонидан берилган таърифга кўра, “ДХШ атамаси-инфратузилма ёки бошқа хизматлар кесимида ижтимоий ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги мумкин бўлган барча муносабатлар диапазонини ифодалайди”.

Бундан ташқари, А.Ш Федерал транспорт бўлимининг ДХШ бўйича Конгрессга берган ҳисоботида “ДХШ – анъанавий иштирокига нисбатан хусусий шерикка давлат билан муносабатларда кўпроқ иштирок қилишига имкон берувчи шартномавий келишув бўлиб, мазкур келишув одатда хокимияторгани билан хусусий компания ўртасида модернизациялаш, қурилиш, ишлатиш, муайян объектни, тизимни сақлаш ёки бошқаришни назарда тутди” деб келтирилади.

Ҳиндистон ҳукумати томонидан эса, “ДХШ – бу ҳукумат ёки ижтимоий сектор томонидан хусусий компаниялар билан фойдаланувчилардан тўловлар ундириш